

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Геодезия ва кадастр” кафедраси

Йўналиш: 5540100- “Геодезия, картография ва кадастр”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

факультет декани _____

(М.Ў.) “___” _____ 2012 йил.

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба **Холмирзаев Дилшод Комилжонович**

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси: “Тошкент шаҳаридаги **“CROSS SECTOR INVEST”** масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасигақарашли биноларнинг кадастрини тузиш ва баҳолаш”.

Ректорнинг 10.11.2012 йил. 2/321-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув ишини олд ҳимояга тақдим этиш муддати: 25.06
.2013й.

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

1. Нишанбаев Н. Давлат кадастри асослари. ТАҚИ., 2007г
2. Алимов Р. ва бошқалар. Кўчмас мулкни баҳолаш. Фан. Ташкент, 2005г
3. Турар жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари. ҚМҚ 4.01.16-97. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент. 1997й. 140бет.
5. ГККИНП–18–088–03. Методическое пособие по оценке недвижимости. - Ташкент, Узгеодезкадастр, 2004г. – 90 с. (Утв. 1.07.2004г.)

4. Диплом лойиҳасининг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар: “Тошкент шаҳаридаги **“CROSS SECTOR INVEST”** масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасигақарашли биноларнинг кадастрини тузиш ва баҳолаш”дан иборат бўлиб кадастр ҳақида умумий маълумотларни таҳлил қилиш, кўчмас мулк объектларини баҳолаш бўйича маълумотларни ўрганиш ва объектдаги мавжуд биноларнинг паспортини тузиш ҳамда инвентар нархлаш ҳисоботини тузиш.

5. График қисм материаллар рўйхати:

1. Маъмурий ва цех биносининг 1-қават тархи.
2. Маъмурий ва цех биносининг 2-қават тархи.
3. Маъмурий ва цех биносининг 3-қават тархи.
4. Маъмурий ва цех биносининг 4-қават тархи.
5. Маъмурий ва цех биносининг ер тўла қавати тархи.

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топширик берди	Топширик қабул қилинди
Кадастр ҳақида умумий маълумотлар			
Кўчмас мулк объектларини баҳолаш			
Кўчмас мулк объектига кадастр иши			
Бино ва иншоотлар паспорти			
Ҳаёт фаолияти ва меҳнат муҳофазаси			

7. Диплом лойиҳасини бажариш режаси:

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси (раҳбар имзоси)
1.	Кадастр турлари ва хорижий мамалакатларда кадастр тизимини тузиш ишлари		
2.	Давлат кадастрининг вазифалари ва давлат кадастрининг ягона тизими ва унинг объектлари		
3.	Бино ва иншоотларни баҳолаш ва бино ва иншоотларни база нархида баҳолаш		
4.	Бино ва иншоотларни ўлчашдаги кўрсаткичлар, баҳолашдаги территориал коэффициентлар капитал гуруҳини белгилаш		
5.	Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларини бажариш тартиби		
6.	Объектнинг кадастр иши тўғрисидаги умумий маълумотлар, Ер участкаси чегараларини шакл-тасвирини чизиш ва Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш намунавий далолатномаси тузиш		
7.	Ер участкаси бурилиш нуқталари, чегараларини таърифлаш		
8.	Бино ва иншоотлар ҳисоб варақасини тузиш, давлат рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган хужжатлар рўйхатини тузиш		
9.	Давлат мулки бўлган ер участкасига _____ - сонли ижара шартнома намунаси тузиш ва объектнинг инвентар нархлаш ҳисоботини тузиш		
10.	Диплом лойиҳасининг матний ва график қисмини расмийлаштириш		

Диплом лойиҳаси раҳбари: Назаров Б.Р. _____

Кафедра мудири: доцент Бобожонов А.Р. _____

Топшириқни бажаришга олдим _____

талаба имзоси

12 ноябр 2012 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. КАДАСТР ҲАҚИДА УМУМӢЙ МАЪЛУМОТЛАР

- 1.1. Кадастр турлари.....
- 1.2. Хорижий мамалакатларда кадастр тизимини тузиш шлари.....
- 1.3. Давлат кадастрининг вазифалари.....
- 1.4. Давлат кадастрининг ягона тизими ва унинг объектлари.....

2-БОБ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

- 2.1. Бино ва иншоотларни баҳолаш.....
- 2.2. Бино ва иншоотларни база нархида баҳолаш.....
- 2.3. Бино ва иншоотларни ўлчашдаги кўрсаткичлар, баҳолашдаги.....
территориал коэффицентлар капитал гуруҳини белгилаш.....
- 2.4. Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларини бажариш тартиби.....

3-БОБ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИГА КАДАСТР ИШИ

- 3.1. Объектнинг кадастр иши тўғрисидаги умумий маълумотлар.....
- 3.2. Ер участкаси чегараларини шакл-тасвири.....
- 3.3. Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш намунавий далолатномаси
- 3.4. Ер участкаси бурилиш нуқталари ва чегараларининг таърифи.....
- 3.5. Ер участкаси жойлашган ҳудуд тафсилоти.....

4-БОБ. БИНО ВА ИНШООТЛАР ПАСПОРТИ

- 4.1. Бино ва иншоотлар ҳисоб варақасини тузиш.....
- 4.2. Давлат рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар рўйхати.....
- 4.3. Давлат мулки бўлган ер участкасига ____ - сонли ижара шартномаси тузиш намунаси.....
- 4.4. Объектнинг инвентар нархлаш ҳисоботини тузиш.....

5-БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

- 5.1. Замонавий қурилишларда меҳнат муҳофазасининг ўрни.....
- 5.2. Ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси.....
- 5.3. Қурилиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги.....
- 5.4. Ёнгин хавфсизлиги.....**

Умумий хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлар асосида “Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мулкни солиққа тортиш” тўғрисида ва 1994 йил 9 декабр № 591 сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жисмоний шахсларга тегишли хусусий мулкларни баҳолаш ва қайта баҳолаш тартиби тўғрисидаги (турар-жой бинолари, квартиралар, дала ховлилар, гаражлар ва бошқа қурилиш объектларини) солиққа тортиш ишлари амалга ошириш белгиланди.

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган хусусий мулкининг баҳосини белгилаш ишларини шакллантириш ва рўйхатга олиш “Ер ва кўчмас мулк кадастри” бошқармаларига юклатилди.

Маҳаллий Давлат солиқ қўмиталари томонидан объектларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларини назорати белгиланган.

Маҳаллий «Ер ва кўчмас мулк кадастри» бошқармалари «Солиқ қўмита»ларининг талабларига биноан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мулкларни баҳолаш ва қайта баҳолаш, рўйхатга олиш ишлари аниқланади ва бажарилади.

Баҳолаш объектларни солиққа тортишда турар-жой бинолари, квартиралар, дала ховлилар, гараж ва бошқа қурилишлар, бинолар ва иншоотлар фойдаланиш учун қабул қилинган, қурилиши тугалланган объектлар ва маҳаллий «Ер ва кўчмас мулк кадастри» бошқармаларидан рўйхатдан ўтган объектлар жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган солиқ объектлари ҳисобланади.

Объектлар, бинолар ва иншоотларни баҳолаш ва солиққа тортиш қуйидаги ҳолларда олинмайди:

- йил давомида қурилишлар, қурилаётган бинолар ва иншоотлар.
- кераксиз бинолар ва иншоотлар.
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан ҳар хил сабабларга кўра фойдаланиш учун яроқсиз объектлар.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ва фойдаланаётган объектларни ҳам баҳолаш ва солиққа тортиш бундай объектлардан

солиқ тўлаш юридик ва жисмоний шахслар учун ҳар хил ҳукукий кафолат бермайди, бу эса солиқ мажбуриятини белгилайди.

Ўзбошимчалик ва ҳужжатсиз билан қурилган ва кераксиз биноларни «Ер ва кўчмас мулк кадастри» бошқармалари томонидан техник рўйхатдан ўтказилганлиги, баҳолаш тўғрисидаги маълумот маҳаллий ҳокимиятга топширилади ва бу тўғрида келгусида бу бинолар тўғрисида йўналиши ва тегишлилиги тартибга солиш пайтидаги ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар асосида аниқланади.

Диплом лойиҳасининг мақсада ҳам Тошкент шаҳаридаги **“CROSS SECTOR INVEST”** масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасигақарашли биноларнинг кадастрини тузиш ва баҳолашдан иборат бўлиб, унда кадастр ҳақидаги умумий маълумотлар, кўчмас мулк объектларини баҳолаш масалалари, кўчмас мулк объектига кадастр ишини тузиш, бино ва иншоотлар паспортини яратиш ва объектдаги биноларни инвентар баҳосини ҳисоблашдан иборатдир

.

1-БОБ. КАДАСТР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1.Кадастрнинг турлари

Кадастр сўзи юнонча katastichon сўзидан франсўз тилига kadastre шаклида ўтган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинса варақ, мол- мулк дафтари ёки мулкый дафтар маъносини билдиради.

Бу сўз кўпгина бошқа қадимги атамалар каби вақт ўтиши билан ўзининг илк бор кўзда тутилган мазмунига унча туғри келмайди. Ҳозирги кадастр деганда ер ва бошқа кўпкина кучмас мулклар ҳақида кенг камровли, ниҳоятда теран, анча мураккаб тушунча назарда тутилади.

Шу боис кадастр сўзини таърифлаётганда, аввал унга қуйилаётган талаб ва вазифаларга, нима мақсадда бажарилаётганига қараб таъриф берилади.

Шундай қилиб кадастрнинг таърифлари қуйидагича бўлади:

а) Кадастр деб, муайян объект (ер, сув, бино ва иншоотлар ёки бошқ.) ҳақида даврий ёки ўзликсиз равишда кўзатиш орқали тўзиладиган ва тартибга солиб туриладиган маълумотлар тупламига айтилади.

б) Кадастр деб, муайян объект ёки вақелликни, баъзи ҳолларда, уларни иқтисодий баҳолашни ҳам ўз ичига олган ҳолда, сон ва сифат жиҳатдан ҳисобий руйхатини тўзишга айтилади.

в) кадастр - расмий ташкилотлар ёки муассасалар томонидан тўзилган мулкый дафтардир.

КАДАСТР ТУРЛАРИ: Кадастр турлари кўп. Масалан давлат ер кадастри, давлат сув кадастри, ўрмон балиқчилиги, архитектура обидалари ва бошқа юздан ортиқ давлат кадастрлари турлари бор.

Ушбу китобда ер кадастри, бино ва иншоотлар кучмас мулк кадастри ва шаҳар кадастрини куриб чиқамиз.

ЕР КАДАСТРИ: Ер участкалари ҳақидаги маълумотлар йигиндиси. У китоб тарзида, картотека ёки маълумотларнинг тизими тарзида тўзилган. Ер кадастри, ер участкаларини тартиб рақамлари, тавсифи, ер эгалари ҳақида маълумотлар тупланган бўлади.

Давлат ер кадастрида эса, асосан, ерларнинг табиий хужалиг, ҳуқуқий ҳолатлари ҳақида ишончли маълумотлар тупланади. Давлат ер кадастрида ер эгаларининг руйхати, ернинг миқдори, унинг сифати, тупроқ бонитировкаси, ернинг иқтисодий баҳоси кўрсатилади.

КУЧМАС МУЛК КАДАСТРИ: Барча юридик идоралар ва жисмоний шахсларга мансуб бўлган бинолар ва иншоотлар давлат ҳисобига олиниб, кадастр руйхатга киритилади. Кучмас мулк кадастри юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир.

ШАҲАР КАДАСТРИ: Шаҳар ҳудудида мавжуд бўлган объектларнинг ҳуқуқий, хужалик, табиий ва иқтисодий ҳолати ҳақидаги маълумотлар тупламидир. У шаҳарнинг ривожланишини ва кунлик фаолиятини таъминлайди ва шаҳар муҳитининг вақт ўтиши билан юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олади.

ЮРИДИК КАДАСТРИ: Кучмас мулкка бўлган мулкни ҳуқуқ ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ва бу ҳуқуқларни руйхатдан ўтказишни таъминлайдиган ахборот тизимида юридик кадастр дейилади.

1.2.Хорижий мамлакатларда кадастр тизими тузиш ишлари

Кўпгина мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бири уларда мавжуд, табиий манбалардан оқилона фойдаланишдир. Ер ҳам ана шундай манбаларнинг асосийсидир.

Ер манбаларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш учун, у ҳақда қуйидаги маълумотларни йиғиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, ерга эгалик ҳуқуқи, ундан фойдаланиш ҳуқуқининг мавжудлиги, ер ва бошқа кўчмас мулкнинг баҳоси, улардан олинадиган солиқ миқдори, ҳатто ер ва кўчмас мулк жойлашган минтақанинг ривожланиш режасини тузиш, шулар жумласидандир.

Ер ва бошқа кўчмас мулклар ҳақида кўплаб маълумотларни бир жойга йиғиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва зарур бўлганда улардан фойдаланиш муоммаларини ечиш мақсадида ер ёки кўчмас мулк кадастри тизими тузилади.

Ҳозирги зомон кадастр тизими ҳар бир хорижий мамлакатда ўз хусусиятларига эга. масалан: Фарангистонни олиб қурайлик.

Мамлакатда ҳаммаси бўлиб 97 млн. ер участкалари (парселлар) ва 37000 хусусий уйлар, хонадонлар, дукон саноат корхоналарининг бинолари бор.

Шунинг учун Фарангистонда аввал солиқ миқдорини аниқлаш мақсадида солиқ (фискал) кадастри тузилган. Асосан кадастр ер участкаларининг хусусиятлари бир хил деб олиниб уларнинг майдонларини ҳисобга орган ҳолда солиқ миқдори аниқланган.

Фарангистон ер кадастрининг ҳозирги вазифалари қуйидагилардан иборат: кадастр планларини тузиш ер участкалари тузиш эгалик ҳуқуқини аниқлаш уларнинг майдонларини улчаш, ерни ва бошқа кучмас мулкни баҳолаш, шуларни ҳисобга олган ҳолда солиқ миқдорини келтириб чиқаришдан иборат.

Кадастр фаолияти Тулуз шаҳрида жойлашган миллий кадастр хизмати томонидан, Париждаги Давлат кадастр ҳужжатлари хизмати идораси ва давлат департаментларида жойлашган минтакавий солиқ бошқармалари томонидан бажарилади.

Тизимга 5 та минтакавий ҳисоблаш маркази ва 306 маҳаллий кадастр бюроси киради. Булар солиқ бошқармаларини узларининг маълумотлар банкидаги сўнги узгаришлари билан тизим орқали хабардор қилиб туради.

Умуман олганда автоматлаштирилган тизимнинг асосий вазифаси барча ер участкалари, кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, уни қайта ишлашдан иборат.

Испания кадастр тизими 3 босқичга эга.

1. Кадастр маркази. У мамлакатдаги барча кадастр хизматини бошқаради. У асосан кадастр моделини меъерий ҳужжатларни тайёрлайди.

2. Провинциялардаги бошқармаларда кадастр марказидан олинган йўриқномаларда кўрсатилган вазифаларни қуйи ташкилотларда бажариб иш юритади.. Барча ишлар 3 босқичда яъни муниципал кадастр бўлинмаларидан бажарилади.

Олмонияда кадастр ишлари кадастр ер бошқармалари томонидан бажарилади.

Бундай бошқармалар одатда ички ишлар вазирлиги ёки молия вазирлиги таркибида бўлган.

Кадастр хариталари 1: 5000 - 1:200000 нисбатларида тузилади.

Маҳаллий кадастр бошқармалари узларига ажратилган ҳудудлардаги мавжуд ер ва кучмас мулкларни ҳисобга олади.

Уларни таърифлайди. Кадастр маълумотлари узликсиз равишда янгиланиб туради.

Ер ва у билан боғлиқ бўлган барча турдаги кучмас мулкларнинг ҳозирги ҳолати “Ер китоби” да қайд қилинади.

Кўпгина оврупа мамалакатларидагидек ШВЕЦИЯДА ҳам кадастр кўп мақсадлидир. Кадастр маълумотлари ер ва бошқа кучмас мулк эгаларининг ерга мулкка эгалик ҳуқуқини махсус мулк китобларида қайд қилади, солиқ миқдорини белгилайди ундан ташқари давлатнинг ер манбаларининг самарасини ошириш борасидаги сиёсатига хизмат қилади.

Швед ер кадастри миллий ер хизмати тизимига мансуб. Бу тизим 3 босқичдан иборат бўлиб, марказий бошқарув, 5 минтақавий бошқарма ва 100 дан ортиқ бўлимлардан иборат.

Ер кадастри масалалари камровига кадастр маълумотларини туплаш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, мулк ҳуқуқ, ер ва мулкни солиққа тортиш вазифаларидан ташқари ер участкаларини шакллантириш, уларнинг тасвирловини тайёрлаш каби ишлар ҳам қиради.

1.3. Давлат кадастрининг вазифалари

Давлат ернинг ягона эгаси сифатида ер фондини бошқаришни амалга оширади. Бу эса ер кадастрига давлат аҳамиятини беради. Унинг маълумотлари, биринчи навбатда ерларни руйхат қилиш, маълумотлар жамики ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадларида фойдаланибгина қолмасдан, балки ерларга давлат эгалик ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадларида шунингдек бошқа мулкдорлар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳам муҳофаза қилишда фойдаланади.

Шунинг учун ҳам ер кадастри маълумотлари фақатгина иқтисодий аҳамиятга молик бўлибгина қолмасдан, ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эгадир.

Кадастр маълумотлари давлат ёки бошқа жамоат мақсадлари учун ер ажратишни асослашда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ҳам атроф-муҳитни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай тадбирлар сирасига ҳудудни оқилона ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларни

сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захланишдан, қайта шурланишдан, қақраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимевий радиоактив моддалар билан ифлосланишдан химоя қилиш, бўзилган ерларни қайта экинзорларга айлантириш кабилар киради. Бу масалаларни ҳал қилиш мамлакат ер ресурсларини сифат ҳолати туғрисида тўлиқ ва ҳар томонлама маълумотларга асосланиши зарур.

Жумладан, "Ер солиғи туғрисида", "Фермер хужалиғи туғрисида", "Дехкон хужалиғи туғрисида"ги "(кооператив) Ширкат хўжалиғи туғрисида"ги қонунларни амалиётга тадбиқ қилиш, қишлоқ хужалиғида аграр ислохотларни амалга ошириш биринчи галда ер кадастри маълумотларига таянади.

Ер кадастри маълумотлари биринчи галда қишлоқ хужалиғи ишлаб чиқаришни ташқил этиш ва ривожлантириш учун зарурдир.

Ер кадастри материаллари ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришда бирламчи асос бўлиб хизмат қилиш зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкаларининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминлаш даражасига қараб белгиланади. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ер кадастри маълумотлари ерлар ҳолатини ва ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш учун ҳам ниҳоятда зарур. Давлат ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдоришга ўз ерларидан фойдаланишларида ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатнинг муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хужалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, қайта шурланиш ва ботқоқланишдан асраш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш каби мажбуриятлар юклаган. Буларни амалга ошириш учун албатта ер майдонларини сифат жиҳатидан ҳисоб-китоби маълумотлари зарур.

Шундай қилиб, ер кадастрининг вазифаси ҳозирги шароитда кўп киррали. Улар халқ хужалиғи талабларидан, ер ресурсларидан оқилона ва самарали

фойдаланиш заруриятларидан келиб чиққан. Буларнинг барчаси ер кадастрининг халк хужалиги аҳамиятига молик эканлигини кўрсатади.

1.4. Давлат кадастрининг ягона тизими ва унинг объектлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрлари Ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш тартиби туғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 255-сонли қарорига биноан ҳозирги кунда республикада давлат кадастрининг Ягона тизими вужудга келмоқда. Давлат кадастрларининг Ягона тизими (ДКЯТ) - бу барча турдаги давлат ва тармоқ кадастрларини бирлаштирувчи кўпқиррали инфор­мацион тизим. ДКЯТ ер юзасининг ҳар бир ҳисоб-кадастр участкаси бўйича уларнинг географик ҳолатини, ҳуқуқий ва ҳужалик статусини кўрсатган ҳолда ер, сув, ўрмон, қазилма бойликлар, кучмас мулк ва бошқа табиий ва ҳужалик ресурслари туғрисидаги ҳужжатлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади. Бундай тизим асосан Ўзбекистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳиятини умумдавлат нуқтаи-назаридан комплекс ҳисоб-китоб ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юритилади. Ер участкалари ва объектларни ҳуқуқий ҳисоблари туғрисидаги маълумотлар, белгиланган тартибга мос аниқланган ва тармоқ кадастрининг маълумотлари ДКЯТнинг асосини ташкил этади.

ДКЯТ асосан давлат бошқарув тизимини, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни улар фаолиятлари учун зарур маълумотлар ҳамда ҳудудлар ва кучмас мулк туғрисидаги маълумотлар билан тезкорликда таъминлашга мўлжалланган.

ДКЯТ объектлари қуйидагилар:

- табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, ер ости қазилма бойликлари ва б.);
- бинолар ва иншоотлар, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари;
- геодезик тармоқлар пунктлари;
- ДКЯТ вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа элементлар.

ДКЯТнинг объектлари туғрисидаги маълумотлар республика бўйича қуйидагича ягона технология асосида қаралади:

- давлат ер кадастри бўйича-жойлардаги давлат ҳокимияти тизими, қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги томонидан;

- давлат сув кадастри бўйича - гидромелиорация бўйича Бош бошқарма (табиий сув манбалари) , геология ва минерал ресурслар Давлат қумитаси (ер ости сувлари), қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);

- давлат ўрмон кадастри бўйича - ўрмончилик Давлат қумитаси;

- давлат ер ости казилма бойликлари кадастри бўйича - геология ва минерал ресурслар Давлат қумитаси;

- кучмас мулк кадастри бўйича - жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда геодезия, картография ва давлат қадасри Бош бошқармаси;

- давлат қурилиш қадасатри бўйича- жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда архитектура ва қурилиш Давлат қумитаси;

ДҚЯТ маълумотлари асосан қуйидаги мақсадлар учун фойдланилади:

- иқтисодий ислохотларни амалга ошириш;

- ҳудудий комплекс тарзда иқтисодий - ижтимоий ривожлантиришга дастурлар ва башоратлар тўзиш;

- табиий ресурслар ва кучмас мулкни комплекс ҳисоб қилиш, баҳолаш ва мониторингни ўтказиш;

- ҳужалик юритиш субъектлари томонидан табиий объектлар ва ҳудудларга етказилган зарарни баҳолаш;

- ҳудудлар туғрисида маълумотлар талаб қилинадиган бошқа фаолиятларни амалга ошириш;

ДҚЯТ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги геодезия, картография ва Давлат кадастрлари Бош бошқармасининг давлат кадастри Хизмати томонидан олиб борилади. У ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Қоидаларга мувофиқ ҳолда олиб боради.

ДҚЯТ асосан қуйидаги принципеларга биноан юритилади:

- республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш;

- марказлашган раҳбарлик;

- кадастр маълумотларини қайта ишлаш ва тақдим этишнинг бирлиги;

- барча турдаги кадастр тизимининг ер кадастри асосида шаклланиши;

- автоматлаштирилган геоинформацион технологияларни қўллаш;

- маълумотларнинг объективлиги, тўлаллиги, аниқлиги, ҳамда ҳаққонийлиги;

- информациялар тулдирилиши ва янгиланишининг ўзулуксизлиги;

- маълум чегараланган фойдаланувчилардаги мавжуд маълумотларнинг махфийлиги;

Шундай қилиб, республикамизда шундай ягона информацион кадастр тизими вужудга келмоқдаки, у сўзсиз халқ хужалиги учун, айниқса, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эгадир.

2-БОБ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Бино ва иншоотларни баҳолаш

Баҳолаш объектларни солиққа тортишда турар-жой бинолари, квартиралар, дала ховлилар, гараж ва бошқа қурилишлар, бинолар ва иншоотлар фойдаланиш учун қабул қилинган, қурилиши тугалланган объектлар ва маҳаллий «Ер ва кучмас мулк кадастри» бошқармаларидан руйхатдан ўтган объектлар жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган солиқ объектлари ҳисобланади.

Объектлар, бинолар ва иншоотларни баҳолаш ва солиққа тортиш қуйидаги ҳолларда олинмайди:

- йил давомида қурилишлар қурилаётган бинолар ва иншоотлар.
- кераксиз бинолар ва иншоотлар.
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан ҳар хил сабабларга қура фойдаланиш учун яроксиз объектлар.

Жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ва фойда ланаётган объектларни ҳам баҳолаш ва солиққа тортиш бундай объектлардан солиқ тулаш жисмоний шахслар учун ҳар хил ҳуқуқий кафолат бермайди, бу эса солиқ мажбуриятини белгилайди.

Ўзбошимчалик билан қурилган ва кераксиз биноларни «Ер ва кучмас мулк кадастри» бошқармалари томонидан техник руйхатдан ўтказилганлиги, баҳолаш туғрисидаги маълумот маҳаллий ҳокимиятга топширилади ва бу туғрида келгусида бу бинолар туғрисида йўналиши ва тегишлилиги тартибга олиш пайтидаги ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар асосида аниқланди.

2.2. Бино ва иншоотларни база нархида баҳолаш

Бинолар ва иншоотларни баҳолашда 1991 йил базис нархида ишлаб чиқилган жадваллардан фойдаланилиб, уларнинг тўлиқ ҳақиқий баҳосини Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган баҳолаш коэффицентлари билан бинолар ва иншоотларнинг руйхатга олиш пайтидаги баҳоси аниқланади.

Бинолар ва иншоотларнинг базис нархидаги тўлиқ ҳақиқий баҳосида қуйидагиларни ўз ичига олади: қурилиш-монтаж ишларини, пардоз маҳсус қурилиш

ишлари ва бундан ташқари қурилиш ташқилоти томонидан ишлаб чиқилган маҳаллий харажатлари ҳам эътиборга олинади.

Биолар ва иншоотларнинг баҳосини аниқлашдаги маълумотларга асосан баҳолаш пайтидаги ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб солиқ ставкаси белгиланади.

Турар-жой биолари ва бошқа иншоотларнинг физик емирилишини биолар ва иншоотларнинг конструктив элементларини текшириш натижаларига асосан физик емирилиши аниқланади.

Баҳолаш пайтида биолар ва иншоотлар конструктив элементларини текшириш ва уларнинг техник ҳолатидан келиб чиқиб фоизлаш асосида физик емирилиши аниқланади.

Турар-жой биолари физик емирилиши ҚМ ва Қ 2.01.16-97 “Турар-жой биолари конструкция ва элементларининг физик емирилишни аниқлаш” асосида аниқланади.

Турар-жой биолар ва иншоотлар физик емирилиши фойдаланиш кунидан ва меъёрий муддат хизмати боғликлиги хизмат муддати асосида жадвал бўйича аниқланади .

Жисмоний шахсларнинг хусусий мулки ҳуқуқини бериш бўлган турар-жой биолари, квартиралар, гаражлар ва бошқа қурилишларни баҳолаш ва қайта баҳолаш функционал бирлик кўрсаткич бионинг хонанинг умумий майдони метр квадратда ўрнатилади.

Баҳоланган пайтдаги қурилишлар, хоналар ва иншоотлар асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта баҳолаш утказилаётганда руйхатга олиш маълумотлари бугунги кунда фойдаланиётган меъёрий ҳужжатлар ва ушбу йуриқнома асосида техник инвентаризациялаш ва руйхатга олиш белгиланади.

Қурилишлар, хоналар ва иншоотларни инвентаризациялаш ишлари беш йилда камида бир марта ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Комунал хизмат Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Госкомпрогнозстат, Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ қумитаси билан келишилган ҳолда жисмоний шахсларга тегишли мулкларни баҳолаш ва қайта баҳолаш меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

Жисмоний шахсларга тегишли қурилишларни, иншоотларни бир ой муддат давомида “Ер ва кучмас мулк кадастри” бошқармалари маҳаллий ҳокимият

органларига ва солиқ инспекцияларига солиққа тортиладиган объектларнинг жойлари туғрисида маълумот бериши шарт.

Ушбу йўриқнома ва меъёрий ҳужжатлар асосида қурилишларнинг ҳақиқий баҳоси ўзгармасдан навбатдаги баҳолаш ва қайта баҳолашгача ўзгармасдан қолади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий молия, территориял комунал хизмат ташкилотлари, солиқ органларининг маълумотларига асосан шу баҳонинг инфляцияси ва ўзгаришини эътиборга олган ҳолда шу йили учун туғриловчи индексация (туғриловчи) коэффиценти солиққа тортиш бўйича тасдиқлайдилар.

Жисмоний шахсларга тегишли мулкларнинг ўзгартирилиши (қайта таъмирлаш, бириктириб қурилган, қурилган қурилиш объектлари) солиқ органларига янги баҳолангани бўйича маълумот беради.

2.3. Бино ва иншоотларни улчашдаги кўрсаткичлар баҳолашдаги территориял коэффицентлар капитал гуруҳини белгилаш

Бино ва иншоотлар ўлчов бирлиги тикланиш баҳоси (1м^2 бино умумий майдони, 1п.м. трубапровод, 1м^2 ховли хонаси территорияларнинг, 1п.м. тусиқлар ва бошқалар) қўллаш йириклаштириш кўрсаткичли тикланиш баҳосига боғлиқ ҳолда йўналишлари, конструкцияси капитал гуруҳи, жиҳозланиши, ўлчамлари ва жисмоний шахсларга мулк ҳукукини бериш йуналтирилган.

Тикланиш баҳоси йириклаштириш кўрсаткичлари қуйидагилар бино ва иншоотларга ҳамма туғри харажатлар накладной сарфлар, режали орттирмалар ва бошқа харажатлар киради.

1991 йил 1 январда қурилишларга қўлланилган йириклаштирувчи кўрсаткичлар меъёрлар, нархлар ва тарифлар тўзилган.

Қўлланмадаги жадвалда йириклаштирувчи кўрсаткичлар тикланиш баҳоси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун 1м² умумий майдонга нисбатан берилган. Бинонинг 1м² умумий майдонининг тикланиш баҳоси бошқа вилоятлар учун Тошкент вилояти базовий баҳосига қўпайтирилади ва улардаги туғриловчи коэффицентлар қуйидагига:

Қорақолпоғистон Республикаси.	0,97
Андижон вилояти.	-0,89
Бухоро вилояти.	-1,03
Жиззах вилояти.	+1,10
Қашқадарё вилояти.	0,99
Навоий вилояти.	0,98
Наманган вилояти.	0,97
Самарканд вилояти.	- 1,06
Сурхондарё вилояти.	-1,04
Сирдарё вилояти.	-1,31
Фарғона вилояти.	-0,94
Хоразм вилояти.	-1,03

Қўлланмадан зарурий кўрсаткичларни танлашда баҳаланаётган объектларнинг йўналиши ва конструкциясига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади (пойдеворлар материали девор, ора ёпмаситашқи ва ички пардозлари бошқалар), капитал гуруҳи ва худуднинг жойига боғлиқ ҳолда танланади.

Баҳолаш жадвали таркибига қуйидаги кўрсаткичлар киради:

а) Бинолар капитал гуруҳи.

б) Бино конструкциялари тавсифи ва жиҳозлаш элементлари.

в) Ўлчов бирлиги баҳоси, бино ёки иншоотнинг майдони (1м², 1п.м. ва бошқалар).

г) Баҳаланаётган биноларга жиҳозлаш турлари борлиги ёки бор бўлмаган боғлиқликларга қўшиш ва камайтиручи туғриловчи коэффицентларининг зарурийларини қўллаш.

д) Алоҳида конструктив элементларнинг соф оғирлиги, % да.

Биноларнинг капитал гуруҳини аниқлаш қуйидаги жадвалдан аниқланади:
1-жадвал

NN т\с	Конструкцияси.	Капитал гуруҳи.					
		I	II	III	IV	V	VI
1	Пойдевори.	Темир-бетонли, бетонли, бугатош, бугабетонли, ғиштли.				Ёғоч устунли, тош устунли.	Лойли- бетонли, гурунтли.

2	Девор.	Табий тошли ғиштлар, йирик блоккли, йирик панелли.	Пиширил ган хамма турдаги ғиштлар ёки тошлар	Текисланган ёгочлар ва брусли, биргаликда.	Щитли, каркасли тукима, биргалик да.	Каркас – коришма ва бошқа турлари.
3	Ораёпма	Темир-бетонли		Ёгочли, биргаликда (метал балка ва ёгоч билан тўлдирилган)	Ёгоч балкали.	
4	Том ёпмаси.	Метал тунукали.		Асбестшиферли		Черепица ли

Объектлар қаватлар бўйига қурилиш хажмига нисбатан девор материаллар турларига боғлиқ ҳолда бўлинган.

Тикланиш баҳосининг йириклаштириш кўрсаткичи сўмда аниқланган.

Жадвалдаги келтирилган баҳоланаётган биноларнинг туғри коэффицентларга қўшиш ва камайтирувчи ўлчов бирлигининг баҳосига бор бўлган хар хил конструктив элементлар ёки хар хил жиҳозланишларига боғлиқ ҳолда коррективировка килинади.

Баҳоланаётган объектни коррективировкалашда, йўқ жиҳозлаш-турларини чиқариш ва бинода бор бўлган жиҳозланиш турларини қўшиш керак бўлади.

Мисол: Баҳаланаётган бинода печкали иситиш бор, у ҳолда жадвалдаги марказлаштирилган иситиш системанинг баҳосини чиқариб ва унга печкали иситиш системаси баҳоси қўшиб ҳисобланади.

1м² паркетли пол баҳоси қўшилганда, паркет пол линолеум пол баҳоси нисбатан, қуйидаги ўлчовларда камайтириш келтирилган (сўмда).

Тошкент вилояти.	-9,10
Қорақолпоғистон Республикаси.	-8,00
Андижон вилояти.	-9,00
Бухоро вилояти.	-6,00
Жиззах вилояти.	-6,20
Қашқадарё вилояти.	-10,80
Наманган вилояти.	-9,10
Самарканд вилояти.	-7,70
Сурхондарё вилояти.	-8,00

Сирдарё вилояти.	-7,50
Фарғона вилояти.	-6,92
Хоразм вилояти.	-7,64
Тошкент шаҳри.	-10,40

Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолашда капитал гуруҳи факти қўлланма жадвалидаги кўрсатилган капитал гуруҳга туғри келмаган ҳолда қўлланмадаги йириклаштирувчи кўрсаткич қуйидаги туғриловчи коэффицентларни қўллаш, улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кўлланмадаги капитал гуруҳи йириклаштирувчи кўрсаткичи.	Бошқа капитал гуруҳга ўтишдаги туғриловчи коэффицентлар.					
	I	II	III	IV	V	VI
I	1,00	0,93	0,86	0,8	0,7	0,
II	1,08	1,00	0,93	0	4	69
III	1,16	1,08	1,00	0,8	0,8	0,
IV	1,25	1,16	1,08	6	0	74
V	1,35	1,25	1,16	0,9	0,8	0,
VI	1,45	1,35	1,25	3	6	80

Ушбу қўлланмадаги бино ва иншоотлар ички пардоз характериға боғлиқ ҳолда жадвалда оддий ва яхши турларига бўлинган.

Баҳаланаётган биноларда тасвирий саънат жиҳозлари билан (ганч ва ёғочға резбали, тасвирий ёзувлар ва бошқалар) жиҳозлангандаги баҳоси тасвирий-жиҳозлаш нархи бўйича алоҳида баҳоланади бу ишлар, изох 1 ;2;3да келтирилиб бино ёки иншоотлар тиклаш баҳосига қўшилади.

Бино ва иншоотлар қисман сувоқланган фасади кўрсаткичлари (цокол, откос, карнизлар) девор ганчларининг росшивкаси берилган.

Баҳаланаётган бино фасади тўлиқ цемент-оҳак қоришмаси билан сувоқланганда, жадвалдаги баҳосини қуйидаги фоизларда оширилади.

3-жадвал

№ т/с.	Фасаднинг меъморий жиҳозланиши.	%да оширилиши	% рангли қоришмали	% мрамор қрошкали
1	Оддий даражада	2,8	4,20	5,60
2	Ўртача даражада	0	5,10	6,80
3	Олий даражада	3,4	7,65	10,20
		0		
		5,1		
		0		

Хонанинг ўртача фойдаланиш баландлиги 3 метр бўлганда қўлланмада жадвал баҳоси ўлчов бирлиги берилган. Баҳаланаётган объектдаги фойдаланиш баландлиги қабул қилинган ҳисобий-баландликдан 3 метрдан ўзгарганда, жадвал баҳоси туғриловчи коэффиценти қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Бино	Фойдаланиш баландлиги м.да.	Туғриловчи коэффициент
Турар-жой	2,50	0,95
	2,60	0,96
	2,70	0,97
	2,80	0,98
	2,90	0,99
	3,00	1,00
	3,10	1,01
	3,20	1,0
	3,30	2
	3,40	1,0
	3,50	3
	3,60	1,04
	3,70	1,05
	3,80	1,06
	3,90	1,07
	4,00	1,08
		1,09
		1,10

Баҳоланаётган бино ва иншоотларнинг физик емирилишини ҚМҚ 2.01.16-97 «Турар-жой бинолари физик емирилишини баҳолаш» тартиби асосида «Ер ва кўчмас мулк кадастри хизмати» ходимлари томонидан аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмати Вазирлигининг 03.12.1996 йил №157 сонли қарорининг тасдиқланган «Жисмоний шахсларга мулк ҳукукини берувчи бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш йўриқномаси» асосида аниқланади.

Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларини енгиллаштириш мақсадида, алоҳида конструктив элементларининг ҳар хил даражадаги емирилишини, ҳар бир жадвалдаги тикланиш баҳоси ушбу конструктив элементларнинг соф оғирлиги бино ёки иншоотларнинг тўлиқ баҳоси фоизда келтирилган.

объектлар қаватлар бўйига қурилиш хажмига нисбатан девор материаллар турларига боғлиқ ҳолда бўлинган.

Тикланиш баҳосининг йириклаштириш кўрсаткичи сўмда аниқланган.

Жадвалдаги келтирилган баҳоланаётган биноларнинг туғри коэффициентларга кўшиш ва камайтирувчи ўлчов бирлигининг баҳосига бор бўлган ҳар хил конструктив элементлар ёки ҳар хил жиҳозланишларига боғлиқ ҳолда коррективировка қилинади.

Баҳаланаётган объектни коррективировкалашда, йўқ жиҳозлаш-турларини чиқариш ва бинода бор бўлган жиҳозланиш турларини кўшиш керак бўлади.

Мисол: Баҳаланаётган бинода печкали иситиш бор, у ҳолда жадвалдаги марказлаштирилган иситиш системанинг баҳосини чиқариб ва унга печкали иситиш системаси баҳоси қўшиб ҳисобланади.

1м паркетли пол баҳоси қўшилганда, паркет пол линолеум пол баҳоси нисбатан, қуйидаги ўлчовларда камайтириш келтирилган (сўмда).

2.4. Бино ва иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларини бажариш тартиби

Жисмоний шахсларга тегишли мулкларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишлари қуйидаги тартибда бажарилади:

Баҳаланаётган бино ва иншоотларни аниқлаш, номланиши ва йўналишлари бўйича КМ ва К 2.01.94 талаблари ва қоидалари асосида бирлик баҳолари ишлаб чиқилади.

“Турар-жой биноларини техник емирилишидан ўтказиш йўриқнома”си асосида баҳоланадиган объектлар майдонлари ҳисоби ишлаб чиқилиб. Бинолар 1 м² умумий майдони, бир погонний метр трубопровод, ховли территорияси юзаси бир метр квадрат, тусиқлар ва бошқалар, уларнинг йўланишлари, конструкцияси, капитал гуруҳи, ободонлаштириш даражаси ва бошқа техник иқтисодий тавсифномалари аниқланади.

Қўлланма йириклаштириш кўрсаткичлари жадвали бўйича 1 м² умумий майдоннинг кўрсаткичлари асосида бино ва иншоотларнинг тикланиш баҳоси аниқланади, баҳоланадиган объектлар йўналиши ва конструкцияга боғлиқ ҳолда,

пойдевор девор, ора ёпма, том ёпма, эшик ва деразалари, поли, ташқи ва ички пардозлар, ободонлаштириш даражаси билан, уларнинг капитал гуруҳига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

Қўлланмалар йириклаштирувчи кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда баҳаланаётган объектлар тавсифномаси асосида кутарувчи ва пасайтирувчи коэффицентлар аниқланиб, қуйидаги туғриловчи коэффицентлар киради:

K_1 - баҳаланаётган объектлар фойдаланиш баландлиги.

K_2 - капитал гуруҳи.

K_3 - сейсмик ҳудуд.

K_4 - ташқи ва ички пардозлар тури.

K_5 - ободонлаштириш турларининг борлиги ва бошқалар.

Объектлар тўлиқ тикланиши баҳоси майдонлари ёки хажмини бирлик баҳолаш нархига купайтирилиб, йириклаштириш кўрсаткичлари қўлланган. 1 январ 1991 йил базавий нархи бўйига аниқланади.

$$C_{т.б.} = S \cdot C_{е.н.} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot \dots \cdot K_n.$$

бу ерда: $C_{т.б.}$ -1991 йилдаги тўлиқ тиклашни баҳоси, сўм.

S - баҳаланаётган объект (майдони m^2 ; m^3 ; п.м).

$K_1; K_2; \dots K_n$ -баҳаланаётган объектларнинг тавсифидаги туғриловчи коэффицентлар.

Баҳолаш пайтидаги қурилишларнинг баҳоси ва қайта баҳолаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан индексация коэффицентлари қарор асосида тасдиқланади.

Баҳолаш пайтида тўлиқ тикланиш баҳоси 1991 йил нархида объект баҳоси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимияти тасдиқланган индексация коэффицентига купайтирилиб топилади.

$$C_{т.т.б.} = C_{т.б.} \cdot U_y;$$

бунда: $C_{т.т.б.}$ - баҳолаш пайтидаги нарх бўйича тўлиқ тикланиш баҳоси, сўм.

$C_{т.б.}$ - 1991 йилги базовий нархдаги тўлиқ тикланиш баҳоси.

U_y - баҳолаш пайтидаги қурилиш баҳосини ошириш бўйича ҳокимият томонидан тасдиқланган коэффицент.

Баҳаланаётган бино ва иншоотлар физик емирилиши “Ер ва кучмас мулк кадастри” бошқармалари ходимлари томонидан КМК 2.01.16-97 “Турар-жой биноларининг физик емирилиши бўйича баҳолаш тартиби” асосида аниқланади.

Бино ва иншоотларни ташқил этган бутун хажми бўйича, конструкциялари, элементлари, инженерлик жиҳозлари ва бошқаларни физик емирилишини бошланғич техник-фойдаланиш сифати (мустаҳкамлиги, устиворлиги ва бошқалар)

кўрсаткичларнинг таъсири, табиий-климатик факторлар ва кишиларнинг ҳаёт хавфсизлиги факторлари ҳам эътиборга олинади.

Баҳаланаётган объектлар баҳолаш пайтидаги физик емирилишига объектлар таъмирлаш тadbирлари, конструкциялар, элементлари емирилишининг олдини олиш, бутун бино ёки системани реконструкция қилинганда таққослаш орқали тикланиш баҳоси баҳоланади.

Бутун бир системадаги биноларнинг алоҳида конструкциялари, элементлари ёки бир булагининг физик емирилишини аниқлашда таққослашда кўрсаткичлари орқали баҳоланади, агарда объектни визуал ёки асбоблар орқали текшириш давомида аниқланган кўрсаткичлар КМК 2.01.16-97 “Турар-жой биносини физик емирилиши бўйича баҳолаш тартиби”даги жадвалларда кўрсатилган кўрсаткичлар асосида келтирилади.

3-Боб. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИГА КАДАСТР ИШИ

